

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МУАММОЛИ АКТИВЛАРИНИ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Мақсудов Бунёджон Абдусамат ўғли
Тошкент молия институтини
"Банк иши" кафедраси катта ўқитувчиси
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон
email: maqsudov_bunyodjon@tfi.uz
email: bunyodbek9197@gmail.com
ORCID: [0000-0002-5821-6221](https://orcid.org/0000-0002-5821-6221)

CAUSES OF PROBLEM ASSETS OF COMMERCIAL BANKS AND FACTORS AFFECTING THEM

Maksudov Bunyodjon Abdusamat o'g'li
Tashkent Financial Institute
Senior teacher of the "Banking" department
Tashkent, Uzbekistan
contact number: +99890 3499888
email: maqsudov_bunyodjon@tfi.uz
email: bunyodbek9197@gmail.com
ORCID: [0000-0002-5821-6221](https://orcid.org/0000-0002-5821-6221)

JEL Classification: E5, E58

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги муаммоли активларни камайтириши йўллари ёритиб берилди. Тижорат банкларида муаммоли активларни камайтириши бугунги кунда банк тизимидаги долзарб мавзулардан биридир. Шу боис тижорат банкларида муаммоли активларни келиб чиқишини олдини олиш, вужудга келганлари билан уларни бартараф қилиш юзасидан етарлича иш ташкил қилиш, қўйинки уларни камайтириши бўйича барча чораларини кўриш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида банк секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиши,

молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиши орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш [1] белгиланганлиги банк активлари сифатини яхшилаш зарурлигини белгилайди.

Жаҳон амалиётида халқаро Базель қўмитаси, Марказий банклар, шунингдек йирик банклар томонидан муаммоли кредитлар ҳажмини қисқартириши ва активлар сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириши бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар муаммоли активлар минимал меъёрини белгилаш, активлар сифатини сифатини шаффофлиги ва захира шакллантириши каби масалаларда очиб берилган. Лекин, алоҳида олинган мамлакат ёки ҳудудда банкларнинг муаммоли активларни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни қисқартиришнинг самарали

йўллари етарлича очиб берилмаган. Хусусан, банкларнинг кредитлаш жараёнига маъмурий таъсирлар, имтиёзли кредит фоизлари, пул таклиф даражасининг паслиги, миллий валюта девальвацияси каби масалалар ўзаро боғлиқликда банкларнинг муаммоли активлари ҳажмини қисқартиришининг назарий ва амалий жараёнлари бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг муаммоли активларини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришни талаб этади.

Тижорат банкларида муаммоли активларни камайитириш чораларини кўриш бугунги кунда банк тизимидаги муҳим омиллардан биридир. Шу боис мақолада тижорат банкларининг муаммоли активлари ҳолати, муаммоли кредитлар моҳияти улар билан ишлаш, муаммоли активларни вужудга келишига таъсир этувчи омиллар, муаммоли активларни баратараф этиш йўллари каби тушунчалар илмий мақолада мушоҳада қилиб ўрганиш асосида, тегишли ёндашувлар ҳамда тавсиялар шакллантирилган.

Abstract. The article describes ways to reduce problem assets in commercial banks of the Republic of Uzbekistan. Reduction of problem assets in commercial banks is one of the current topics in the banking system today. Therefore, in commercial banks, it is required to prevent the emergence of problematic assets, organize sufficient work on their elimination as soon as they arise, and take all measures to reduce them.

Improving the quality of credit portfolio and risk management in the Republic of Uzbekistan as the main direction of the reform of the banking sector, following the moderate growth of lending volumes,

maintaining a balanced macroeconomic policy, ensuring the financial stability of the banking system by implementing technological solutions for assessing financial risks is defined as the quality of bank assets. determines the need for improvement.

In global practice, scientific studies are being carried out by the international Basel Committee, Central Banks, and also large banks to reduce the volume of problem loans and improve the quality of assets and increase their efficiency. These processes are revealed in issues such as determining the minimum rate of problem assets, transparency of asset quality and reserve formation. However, taking into account the specific characteristics of problematic assets of banks in a particular country or region, effective ways to reduce them have not been sufficiently revealed. In particular, research works on the theoretical and practical processes of reducing the volume of problem assets of banks in relation to issues such as administrative effects on the lending process of banks, preferential loan interest rates, low level of money supply, devaluation of the national currency have not been carried out. This, in turn, requires conducting scientific research aimed at optimizing problematic assets of commercial banks.

Taking measures to reduce problem assets in commercial banks is one of the important factors in the banking system today. Therefore, in the article, concepts such as the state of problem assets of commercial banks, the nature of problem loans, work with them, factors influencing the emergence of problem assets, ways of eliminating problem assets, and the corresponding approaches and recommendations were formed based on the observation and study of the scientific article.

Калим сўзлар. актив, кредит, муаммоли актив, муаммоли кредит, риск, муддати ўтган қарз

Keywords. asset, loan, problem asset, problem loan, risk, overdue debt

Кириш. Банкларда муаммоли кредитларнинг вужудга келиши ва салмоғининг ортиб бориши иқтисодиётда бозор иқтисодиёти муносабатлари механизмлари ва пул-кредит ўртасида иқтисодий-моливий муносабатларни ташкил этишда камчиликлар ва заифликлар мавжуд эканлигидан далолат беради. Кейинги ўн йилликда, халқаро молиявий-иқтисодий муносабатлар, шунингдек ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг жуда тез суръатларда глобаллашуви, бу борадаги масалаларнинг долзарблигини янада оширмоқда. European Systemic Risk Board (ESRB)га кўра, COVID-19 пандемиясидан сўнг "албатта кредитлаш ва молия тизимларда барқарорликка эришилмоқда, бироқ айти пайтгача ҳам юқори риск туфайли янги кредитларнинг 35 фоизини молиявий қўллаб-қувватлашга кучли эҳтиёж сақлаиб қолмоқда".[2] Бу жараёнлар маҳаллий ва халқаро миқёсда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида нотекис ривожланиш тенденцияси давом этаётган шароитда мамлакатимиз банк тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, уларни аниқлаш, иқтисодий мустақилликни ошириш ва даромадлигини таъминлаш, банк тизими соҳасида юзага келаётган молиявий-иқтисодий тўлқинларнинг салбий таъсирини камайтириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бунда банк тизимидаги муаммоли активларни самарали бошқариб, уларни камайтириш масаласи доимо долзарблиги билан тавсифланади. Сўнгги йилларда

муаммоли активларнинг самарали бошқарилиши натижасида жаҳон иқтисодиётида нуфузга эга бўлган бир қатор банкларда муаммоли активлар ҳажмининг қисқарганлигини кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда тижорат банкларида муаммоли активларни пайдо бўлишини олдини олиш, уларни камайтириш ғоят муҳим масалалардан биридир. Айнан муаммоли активлар туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлари юзага келади деб айтсак ҳато бўлмайди. Чунки энг иқтисодиёти юксак бўлган АҚШда айнан ипотека кредитларини муаммога юз тутиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига сабаб бўлди. Бунинг оқибатида қўплаб катта-катта банклар ва сармоядорлар банкротлик ҳолатига келиб қолди. Шу сабабли ҳам тижорат банклари муаммоли активларини вужудга келиш сабабларини ўрганиб уларни бартараф этиш жуда муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси банк тизими муаммоли активлари ҳисобини кўрадиган бўлсак 2022 йил 1 июнь ҳолатига муаммоли активларнинг қарийиб 85 фоизи давлат улуши мавжуд банкларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда, хусусий банкларнинг муаммоли активлардаги улуши 15 фоизни ташкил қилмоқда, Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат улушига эга тижорат банкларида трансформатсия жараёнларини яқунлаб, 2026-йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилсин [3] деб президент фармонида таъкидлаб ўтганлар.

Тижорат банклари миллий иқтисодиёт ривожини белгиловчи асосий механизмга айланиб бораётганлиги замонавий банк маҳсулотлари қаторида актив амалиётларнинг сифат даражасини оширишни тақозо этмоқда. Бунда албатта тижорат банкларининг капиталлашув

даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади [4]. Бундай шароитда тижорат банклари молиявий ҳолатини яхшилашнинг асосий омиллари қаторида самарадор, соғлом банк активлари портфелини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон банк қонунчилигида "Тижорат банклари активлари - кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, ҳисобланган фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулклари, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида сотилган мулклар, балансдан ташқари моддалар (чакириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда ҳисобланган фоизлардан ташқари бошқа барча талабларни ўз ичига олади", деб этироф этилган.[5]

Тижорат банкларида муаммоли активлар ҳажмини қисқартириш учун қилинган саъйи-ҳаракатларга қарамасдан муаммоли активларнинг салмоғи сезиларли даражада юқориликча қолмоқда. Ушбу ҳолатлар муаммоли активлар тўғрисида тезкор, ишончли маълумотларни ҳисобга олиб уларни қисқартириш йўлларида илмий изланишларни олиб боришни талаб этади.

Фикримизча республикаимиз тижорат банклари активларини муаммоли активларга айланишининг олдини олишда муҳим воситалари бўлиб унда банк активларининг муаммоли активга айланиш сабабларини ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳисобланади. Мамлакатимизда активларнинг муаммоли активларга айланишининг асосий сабалари қуйидагилар:

- Тижорат банклари

амалиётида актив оператсиялар билан ишловчи малакали мутахасисларнинг етарлича тажриба ҳамда билм ва кўникмалари талаб даражасида эамслиги;

- Банкларимизнинг қарийб барчасида муаммоли активлар билан алоҳида иш олиб борувчи бўлимнинг мавжуд эмаслиги, бундай бўлим борларида эса уларнинг фаолияти бошқа бўлимлар фаолияти билан узвий мувофиқлашмаганлиги;

- Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб муаммоли активга айланган банк активларини сотиб олиб, уни соғломлаштирадиган коллектор ташкилотларнинг мавжуд эмаслиги;

Таъкидлаш жоизки, банк активлари сифати ва у билан боғлиқ масалалар иқтисодчи олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган, улар банкларнинг активларини шаклланиши, таркиби ва уларни бошқариш масаласи тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар, амалий тавсиялар шакллантирилган, бундан ташқари иқтисодий адабиётларда ва илмий нашрларда кенг ёритилган ҳамда Марказий банкнинг тегишли норматив ҳужжатларида қаттиқ назорат қилиб борилади, шунга қарамасдан тижорат банклари активлари сифати билан боғлиқ масалалар ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмайди, чунки тегишли вақт ва замон бу масаланинг долзарблигини ошириб боради.

Юқоридаги таъкидлаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун тижорат банкларида муаммоли активларни вужудга келиш сабабларива уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаб уларни бартараф этиши лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги хусусий банкларнинг молиявий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш орқали юқоридаги муаммоларни бартараф этишни Р.Қурбонов ўз илмий ишларида ҳам ёритиб ўтган.[6]

Материал ва метод. Мақолани ёзиш жараёнида йиғилган сифат маълумотларини миқдорлаштирилган ва миқдорлаштирилмаган усуллар ёрдамида таҳлил қиламиз. Тижорат банкларида муаммоли активларни камайтириш билан боғлиқ тўпланган миқдорий маълумотларимизни тасвирий ва инференциал статистика усулидан кенг фойдаланиб таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, маълумотларни графиклар ва тасвирлаш усуллари ёрдамида мақоламизни бойитамиз.

Натижалар. Тижорат банкларида муаммоли активларни кайтириш чоралари мавзусида бир нечта хорижий ва маҳаллий олимларимиз изланишлар олиб борган. Бу изланишлар орқали тижорат банклари ўзларининг даромадлилиги мунтазам равишда ошириб боришларига

улкан замин яратади. Шу мақсадда, биз тижорат банкларида муаммоли активларни камайтириш борасида республикамизга хос бўлган илғор усуллари хорижий ва маҳаллий олим-тадқиқотчиларнинг шу кунгача ушбу йўналишда олиб борган ишларини таҳлил қилиш орқали аниқлаб, уларга ишлов бериб, тўлдириб тижорат банклари қўллашлари учун янада қулай модел ва ёндашувларни яратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон амалиётида активлар сифатини баҳолашда муаммоли активлар салмоғига асосий эътибор қаратилади. Ушбу амалиёт кенг тарқалган "CAMELS" баҳолаш тизими орқали ҳисоблаб чиқилади. Унга асосан қуйидагича мезонлар белгиланган:

1-жадвал

Активлар сифатини "CAMELS" баҳолаш тизими орқали баҳоланиши [7]

Кўрсаткичи	Формула	Мезон
Муддати ўтган кредитлар	Муддати ўтган кредитлар / жами кредитлар	$\leq 1\%$
Муддати ўтган кредитлар	Муддати ўтган кредитлар / умумий капитал	$\leq 1\%$
Захиралар	Захиралар / жами кредитлар	$\geq 1.5\%$
Таъминот	Таъминот / жами кредитлар	$\geq 100\%$

2017 йилдан бошлаб республикамиз банк тизими Ҳалқаро валюта жамғармаси мутахасислари томонидан ўрганилиб, уларнинг тегишли таклиф ва тавсиялари олинмоқда. 1-жадвалда уларнинг тавсияларига асосан банк тизимидаги муаммоли кредитларнинг жами банк капиталига ва жами кредит қўйилмаларига нисбати ифодаланган. Кўриниб турибдики, мутахасислар муаммоли кредитлар ҳисобини ютиришга алоҳида эътибор

қаратишмоқда. Уларнинг тавсиясига кўра ҳаракатсиз кредитлар, ушбу кредитларга яратилган захира билан биргаликда ҳисобга олиниши белгиланган. Капиталга нисбатини ҳисоблаганда захира чегирилган ҳолда, соф ҳаракатсиз кредитлар ҳисобга олинмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимида активларнинг 70-75 фоиз қисми кредитлар ҳиссасига тўғри келади шу сабабли ҳам муаммоли активларнинг асосий қисми кредитларни ташкил этади.



1-расм. Тижорат банклари кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши, %да [8]

1-расмдан кўриниб турибдики тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар 2017-йил 1-январ ҳолатига 0.75 фоизни ташкил қилган бўлса, 2022-йил 1-январга келиб 5,2 фоизга етганини кўрсак бўлади. 2020 йилдан бошлаб пандемия сабабли деб айтиш мумкин муаммоли кредитлар салмоғи кескин ошаётганлигини кузатиш мумкин. Банк тизимидаги муаммоли кредитлар жаҳон амалиётида қабул қилинган критик 3 фоизли кўрсаткичдан кам бўлсада, муаммоли кредитларни камайтириш лозим бўлади.

Муаммоли кредитларни бухгалтерия ҳисобида тан олиниши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низом талабларига мувофиқ кредит кўмитаси томонидан кредит сифати таснифланиши ҳамда у бўйича захира яратилиши лозим.

Ушбу низомга мувофиқ кредитлар шартлари қайта кўриб чиқилишидан олдинги таснифланган тоифадан юқори

ёки яхшироқ тоифада таснифланиши мумкин эмас. Ҳеч қандай ҳолатда активга унинг шартлари қайта кўриб чиқилгандан сўнг дарҳол «стандарт» тоифани бериш мумкин эмас. Ушбу талаб тижорат банки томонидан берилган кредит стандарт сифатида таснифланган, лекин мижоз ундан тўлиқ фойдаланилмаганда ҳам уни шартлари қайта кўриб чиқилган кредит сифатида тавсифлашга олиб келади. Бу кредитни субстандарт сифатида таснифлайди, ўз навбатида кредит бўйича тижорат банки 10 фоиз миқдорида захира яратишини талаб қилади. Банк қўшимча равишда харажат қилиши зарур бўлади.

Шунинг учун “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги 2696-сонли низомнинг 33-бандини ўзгартириб, кредит суммаси тўлиқ берилмаган ҳолатини стандарт сифатда қолдириш масаласини киритиш лозим.

Муаммоли кредитларни банк тизимидаги улушини кўрадиган бўлсак бунжа давлат улуши мавжуд банкларда муаммоли кредитлар хажми кўплигини кўришимиз мумкин.

Тижорат банкларнинг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2022 йил 1 январь ҳолатига маълумот [9]


млрд. сўм

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
1	Жами	326 386	16 974	5,2%
2	Давлат улуши мавжуд банклар	280 074	15 069	5,4%
3	Бошқа банклар	46 312	1 905	4,1%

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида муаммоли кредитлар 2022-йил 1-январь ҳолатида жами 16 974 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, давлат улуши мавжуд банкларнинг кредит портфелини 5.4 фоизини ташкил этган. Хусусий банкларнинг муаммоли кредитлари ҳажми 1 905 млрд сўмни ёки хусусий банкларнинг кредит портфелидаги муаммоли кредитларнинг улуши 4.1 фоизни ташкил этган. Бунда хусусий банкларнинг ҳолати давлат улуши мавжуд

банкларнинг ҳолатидан яхшироқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки муаммоли кредитларнинг асосий қисми давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунинг сабабини билиш учун давлат улуши мавжуд банклардан АТБ "Агробанк" кредит портфелини сифат жиҳатдан таҳлилини кўриб ўтамиз



2-расм. Агробанк редит портфели ва муоммоли кредитлар млрд сўмда. (01.04.2022 ҳолатига ко'ра) [10]

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки АТБ "Агробанк" кредит портфели 01.04.2020-йилда 24 254 млрд сўмни ташкил этган бўлса муаммоли кредитлар 1 329 млрд сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 01.04.2022-йилга келиб 34 127 млрд сўмни ташкил этган бўлса, муаммоли кредитлар эса 1 535 млрд сўмга етган. Бунда кўришимиз мумкинки кредит портфели ортган сари муаммоли кредитларнинг ҳам хажми ортиб бормоқда. Агар тижорат банки бунга нисбатан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқмаса ўз навбатида тижорат банкининг даромадлари қисқаришига олиб келиниши мумкин

Мунозара. Мақолани ёзиш жараёнида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб хулоса қилиб айтганда тижорат банклари муаммоли активларини хажмини камайтириш борасида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик.

➤ Корхона молиявий ҳисоботлари асосида кредитга лаёқатлиликни баҳолашнинг молиявий коэффицентлар услубини таҳлил этиш жараёнларида энг аввало қарз олувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларининг қабул қилинган бухгалтерлик андозаларига мувофиқ ҳолда тайёрланганлигини ўрганиб чиқиш;

➤ Таъминот предметларини баҳолаш ва амалдаги тартибда расмийлаш-тириш жараёнларида энг аввало таъминот предмети мулкдорлари таркибини ўрганиб чиқиш ва агар таъминот предмети улушли, умумий ва биргаликдаги мулк объекти бўлган ҳолларда-таъминот предметларини баҳолаш ва амалдаги тартибда расмийлаштириш жараёнларида таъминот предметининг жами мулкдорлари иштирок этишини таъминлаш ёхуд улар номидан ҳаракат қилиш ваколатини

тасдиқловчи ҳужжат билан иштирок этишини талаб қилишнинг услубий тартибларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш.

➤ Активларни бошқа турлари бўйича ҳам таснифлаш тизимини шакллантириш лозим.

Амалиётимизда одатда фақат кредитлар таснифлаш тизими мавжуд, қимматли қоғозлар, инвестициялар ва бошқа активлар бўйича ҳам мавжуд эмас. Лекин улар бўйича ҳам захиралар шакллантирилади

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда тижорат банкларида муаммоли активлар объекти бўлиб, қиймати, риси ва қайтишида муаммоси мавжуд бўлган кредит, лизинг, факторинг, дебитор қарздорлик, инвестициялар, сотиб олинган қимматли қоғозлар, бошқа банклардаги маблағлар, балансдан ташқари активлар, ундирилмаган даромадлар, бошқа активлар ва улар бўйича яратилган захиралар, активлар бўйича кутилаётган зарарлар ҳисобланади. Ваҳоланки, ҳалқаро амалиётда умумий захиралар банк фойдасидан ташкил этилса, махсус захиралар ҳаражатлар таркибига олиб борилади.

Муаммоли кредитларни камайтириш, улар билан ишлаш учун алоҳида бўлим, бошқарма ёки департамент фаолияти йўлга қўйилган бўлсада ва улур ушбу банкнинг муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлими ходимлари жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредитларнинг жорий қарздорликларини сўндириш ишлари билан шуғулланиб келаётгани мақсадга мувофиқ лекин ушбу бўлим бошқа бўлимлар билан узвий боғланмаган. Тижорат банклари бундай бўлимлар фаолиятини кенгайтириб уларни бошқа бўлимлар билан узвий боғлиқлигини таъминлаши зарур.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020- 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони.
2. ESRB (2021): Financial stability implications of support measures to protect the real economy from the COVID-19 pandemic. Available at: https://www.esrb.europa.eu/pub/pdf/reports/esrb.reports210216_FSI_covid19~cf3d32ae66.en.pdf (Accessed 22 February 2021).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. 2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида.
4. Қурбонов, Р. (2022). Банklar капиталлашув даражасини оширишнинг долзарб масалалари. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 96–101. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/569>
5. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли қарори.
6. Bakhtiyarovich, K. R. (2020). Analysis of Financial Performance of Private Banks in Uzbekistan. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(5), 3713–3722. <https://doi.org/10.37200/ijpr/v24i5/pr202080>
7. (AIA’s CAMEL approach to Bank Analysis (1996).
8. Муаллиф томонидан марказий банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида тайёрланган.
9. Муаллиф томонидан sbi.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган.
10. Агробанк йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.